Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 2 (2024) · "Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiq... DOI: 10.5281/zenodo.24317303

taqsimlashdagi mezonlarga, korxona budjeti o‘z ichiga oladigan jadvallar va natural-moddiy va qiymat balanslarining shakllariga nisbatan bir xil talablar qo‘yilishi ham kichik biznesda qarorlar qabul qilinishi jarayoni puxtaligini yaxshilashga yordam berishi mumkin. Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish davlatning asosiy siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy yo'nalishlarida asosiy o'rinni egallamoqda.

Foydalanilgan adbiyotlar:

1.O‘zbekiston Respublikasi "Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida" gi Qonuni. Toshkent, 1996 yil 30 avgust.

2.O‘zbekiston Respublikasi "Auditorlik faoliyati to‘g‘risida" gi Qonuni. 2000 yil 26 may.

3. O‘zbekiston Respublikasining 1992 yildagi «Korxonalar to‘g‘risida»gi Qonuni.

4. O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 30 apreldagi «Xorijiy investitsiyalar to‘g‘risida»gi Qonuni.

5. http://www.mf.uz

6. http://www.gov.uz/uzbekistan/transportation

7. http://www.gov_stat.uz

8. http://www.referat.ru/economy/management

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ВА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.

Холматова Нодирахон Қуддусовна-
ТДИУ, Андижон факультети "Мутахассислик фанлари" кафедраси ўқитувчиси,
Фарходов Дилшоджон Шерзод ўғли-
ТДИУ Андижон факультети талабаси

Аннотация*: ушбу тезисда бугунги кунда республикамизда энг долзарб муаммолардан бири йирик корхоналар ва акциядорлик жамиятларида харажатлар ва даромадларнинг ҳисобини юритиш ва уни назорат қилиш ҳақида фикрлар келтириб ўтилган. Харажатлар ва даромадларни шакллантириш бўйича замон талаби бўлиб турган халқаро стандартлар ва рақамли технологияларни тадбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Харажат, даромад, таннарх, фойда, зарар, баланс, стандарт.*

Ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш (бозорга таклиф қилиш учун мўлжалланган) муайян иқтисодий ресурсларнинг нархини, уларнинг оптимал танловини талаб қилади. Харажатлар даражаси бозорда рақобатни

Published: 28.03.2024

Cite this article: Холматова Нодирахон Қуддусовна, Фарходов Дилшоджон Шерзод ўғли (2024). Акциядорлик жамиятларида харажатлар ва даромадлар ҳисобини назорат қилиш. Emro Science and Education, 1(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317303

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

шакллантиришга ва даромадни оширишда энг муҳим омил ҳисобланади. Худди шундай экан акциядорлик жамиятларида ҳам харажатларни тўғри шакллантириш асносида унинг фойда ёки зарар кўрганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Акциядорлик жамияти қандай фаолият тури билан шуғулланишидан қатъий назар унинг, хох у ишлаб чиқариш хох хизмат кўрсатиш билан шуғуллансин барибир унинг харажатлар ва даромадларини ҳисобга олиш тизимини янгилаш ва янгиланишнинг амалдаги қонун хужжатларига мослигини назорат қилиш керак бўлади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизга бозор элементлари ва халқаро тажрибаларнинг тадбиқ этилиб борилиши, барча хўжалик тармоқларини модернизациялаш негизида, уларни ахборот таъминотининг асоси бўлган бухгалтерия ахбороти билан таьминлаш асносида уларнинг даромадлар ва харажатлари ҳисобини назорат қилиш янада муҳимдир. Хусусан, иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини бўлган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия ахборотининг энг асосий қисми бўлган даромадлар ва харажатлари ҳисобини назорат қилиш ва ушбу ахборотлар асосида уларга чет эл инвесторларини жалб этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Хеч иккиланмай айтишимиз мумкинки акциядорлик жамиятларида бундай муаммолар пайдо бўлганда уларнинг даромадлари ва харажатларининг ҳисобини назорат қилиш керак бўлади ва шу асносида уларнинг бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш ва уларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро миқёсда тан олинган стандартлар асосида трасформация қилиш ва бу стандартларни амалий иш жараёнларида жорий қилиш керак бўлади. Бунинг учун эса албатта малакали кадрларни жалб қилиш ва қайта тайёрлаш зарур бўлади. Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малака жихатдан йирик корхоналарнинг мустақил трансформация қилиш учун техник имкониятлари етарли даражада эмаслиги барчамизга аён. Шуни инобатга олган ҳолда хорижий тажрибани ўрганиш ва зарур бўлса хорижий мутахассисларни чақириб амалиётчи мутахассислар билан тажриба алмаштириш керак бўлади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг асоси фойда олишга қаратилган ҳисобланади. Шундай экан акциядорлик жамиятларида хам фойдага чиқиш ёки чиқмаслиги кўп жихатдан уларда олиб борилаётган бухгалтерия ҳисобидаги харажатлар ва даромадларнинг тўғри шакллантирилаётганлигига боғлиқ ҳисобланади. Даромад ва харажатлар даражаси фойда ва зарарни баҳолашнинг асосидир, улар сотиш ҳажми, маҳсулот нархи, хизматлар, товарлар ва харажатлар билан белгиланадиган сотиш рентабеллиги кўрсаткичлари ҳисобланади. Маҳсулот турларини оптималлаштириш, маркетинг тадқиқотлари, нархларни белгилаш ва харажатларни бошқариш каби фаолиятларни амалга оширишда масъулият

марказларини ташкил этиш билан амалга оширилса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кетаётган харажатларни оптималлаштиришга эришилиб харажатларнинг фойдалилик даражасини юксалтиришга эришиш мумкин бўлар эди.

Ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарда харажатларнинг асосий қисмини хом-ашё ва ишлаб чиқаришдаги меҳнат ҳаки харажатлари ташкил этса, хизмат кўрсатиш корхоналарида эса сотиш харажатлари ва маъмурий харажатлар асосий ўринни ташкил этади. Шундай экан корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритиладиган ва киритилмайдиган ишлаб чиқариш, сотиш ва маьмурий харажатларини масъулият марказларида таснифлаш, ҳисобга олиш, бошқариш ва режалаштириш керак бўлади. Бу орқали эса биз нафақат харажатларни шу билан бир қаторда даромадларимизни хам таснифлашга эришишимиз мумкин бўлади. Бу билан эса корхонамизда фаолият олиб бораётган бўлимларнинг фойдалилик даражасини ва хаттоки ходимларнинг иш эффективлик даражасини хам баҳолашимиз мумкин бўлади. Бу йиғилган бухгалтерия маьлумотлари корхона раҳбарлари ва бўлажак инвесторлар учун ҳам энг муҳим ва қимматли маьлумот хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ризаев Н., Ҳотамов К. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда Япония тажрибаси. “Молия ва банк иши” электрон-илмий журнали. Тошкент, №1. 2020.
2.Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳақида тахлилий услубиёти (автотранспорт корхоналари мисолида) [Матн]/М.Б.Колонов.-Тошкент: Akademnashr, 2019.-352 б.
3. Rizaev. N.K. INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE AGRICULTURAL SECTOR AND THEIR INTRODUCTION TO THE PRACTICE OF UZBEKISTAN. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2021 йил 2-сон.
4. 2022 йил якуни бўйича давлат бюджетининг даромад ва харажатлари. .. - UzNews.uz.
5.https://president.uz/uz/lists/view/4424
LEX.UZ ЎРҚ

MA’SULIYAT MARKAZLARI BO‘YICHA XARAJATLARNI BOQARISHNING TAHLILIY MASALALARI

Saliev B. K.
TDIU dotsenti, i.f.n.
Baxodirov M.N.